O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ...

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# ÓZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

2002 YIL 21 NOYABR
PAYSHANBA
№ 143 (27.002)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ЎзХДП ХАБАРИ

## ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА — ИЧКИ ПАРТИЯВИЙ МАСАЛАЛАР

Куни кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида долзарб ички партиявий масалаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Абдулхафиз Жалолов ички партиявий ишларни, ҳозирги замон талаблари ва истиқболдаги вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, такомиллаштириш масалалари юзасидан маъруза қилди. Йиғилишда Марказий Кенгашнинг масъул ходимлари ва партиянинг минтақавий ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар. Тадбир якунида маҳаллий партия тузилмаларига тегишли тавсиялар берилди.

Мажлисда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиблари И.Кочмарик ва А.Рустамов иштирок этдилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

# КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ — АМАЛДА

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва амалда кенг жорий этилаётган, жаҳонда «ўзбек модели» деган эътирофга сазовор бўлган таълим ислоҳотлари бугун ўзининг натижасини бермоқда. Юртимизда фаолият кўрсатаётган янгича таълим муассасалари — академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бунинг оддий далилидир. Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Чилонзор академик лицейини истиқлолнинг дастлабки йилларида ташкил этилган ана шу янги турдаги илк қалдирғоч билим даргоҳларидан дейиш мумкин. Бу йил мазкур лицей фаолият бошлаганига ўн йил тўлди.

Юртимизда илк бор ташкил этилган академик лицей айнан иқтисодий йўналишда экани бежиз эмас. Олти юз нафардан зиёд йигит-қиз таълим олаётган лицей умумий таълимнинг мазмунан янги жиҳатларини ўқув жараёнига жорий этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу даргоҳда чуқурлаштирилган фанлар — математика, хорижий тиллар ва махсус фанлар, жумладан, «Иқтисодий билим асослари», «Маркетинг» каби предметларга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шу билан бирга «Президент Ислом Каримов асарлари», «Менежмент асослари», «Оила психологияси», «Педагогика» каби фанлар ҳам талабаларга мукаммал ўргатилмоқда. Айтиш жоизки, «Микроиқтисодиёт», «Макроиқтисодиёт», «Бухгалтерия ҳисоби», «Иқтисодий таълим тизими» каби махсус фанлар умумий таълим муассасалари орасида фақат мазкур лицейда ўқитилади.



Лицейда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг кутубхона, кафедра тажрибахоналари, соғлиқни сақлаш ва спорт мажмуаларидан фойдаланиш борасида кенг имконият мавжуд. Энг муҳими — лицей талабалари олий ўқув юрти муҳитига мунтазам кўникиб боради. Ўқишни тамомлаган талабаларнинг деярли барчаси мамлакатимизнинг иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларига қабул қилинмоқда. Улар орасида АҚШ, Буюк Британия, Германия, Россиянинг нуфузли олий ўқув юртларида илм олишни давом эттираётган йигит-қизлар ҳам кўп.

Мазкур ўқув даргоҳини ўн икки ёшида (!) тамомлаган Мурoджон Шарипов бу йил 19 ёшида магистрлик илмий даражасига эга бўлди! У Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига кириб, республикамизнинг энг ёш талабаси сифатида тан олинган эди. Зиёдулла Мирзамўйдинов эса Жанубий Кореяда ўтган ёшлар ўртасидаги тазквондо бўйича жаҳон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлди. Талаба Феруза Файзиева номига БМТ Бош котиби Кофи Аннан номидан миннатдорлик мактуби келган кун эса лицейда чинакам байрамга айланиб кетди. Феруза ушбу бообрў ташкилотнинг пойтахтимиздаги Ахборотлар марказида ташкил этилган викторина ғолиби деб топилган эди.

Таълим жараёнини такомиллаштиришда АКСЕЛС, АҚШнинг Тинчлик корпуси каби халқаро ташкилотлар билан узвий алоқалар яхши йўлга қўйилган. Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари, Россиядаги бир қанча коллежлар ва махсус мактаблар билан олиб борилаётган самарали ҳамкорлик шулар жумласидандир.

Академик лицейнинг ўн йиллиги арафасида ўқувчилар учун ўзига хос туҳфа ҳозирланмоқда. Бу ўқув даргоҳининг тез орада ёшларни ўз бағрига оладиган янги муҳташам биносидир. Янги бино фойдаланишга топширилгач, унда тўққиз юздан зиёд ёш билим олиш имконига эга бўлади. Унда муҳташам аудиториялар, компьютер хоналари, заллар, эллик минг китоб заҳирасига эга кутубхона билан бирга ёпиқ ва очиқ спорт майдонлари ҳам мавжуд.

■ **Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**







**Суратларда:** лицей фаолиятидан лавҳалар.

■ **Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар**

***ДИҚҚАТ:***

## «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ НАВБАТДАГИ «СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ»

### СОЛИҚ ҲАҚИДА САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

Таҳририятимизга келаётган хат-хабарлар орасида одатда турли хил мавзудаги мақолалар билан бирга фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда турфа сўровлари ҳам кўплаб учрайди. Биз уларнинг ҳаммасини баҳоли-қудрат ўрганиб, айримларини ёритишга, айримларини (танқидий бўлса!) текшириш учун жойларга юборишга ва яна айримларига тегишли идоралар ҳамда муассасалардан зарур жавоблар олиб беришга ҳаракат қилаяпмиз.

Бироқ, айни пайтда пойтахтимиздаги турли идораларга ҳар хил ариза ва сўровлар билан келиб, қабулхоналарда кунлаб навбат кутиб қолаётган фуқаролар ҳам борлиги сир эмас. Улар у ёки бу раҳбар қабулига кириш, дардини, саволини, таклифини айтиш ва сўровига жавоб олиш учун узоқ-яқиндан атай, умид билан, нажот истаб йўл босиб келишади, албатта. Пировардида, одамлар — ҳам вақтдан ютқазади, ҳам маблағдан.

Шуларни ҳисобга олиб, юртдошларимизнинг мушкулларини осон қилиш, уларнинг ўз саволларига тегишли жавоб олишларига кўмаклашиш мақсадида вазирликлар, қўмиталар ҳамда республика миқёсидаги бошқа идораларнинг раҳбарлари билан **«Сиртқи қабул соатлари»** ўтказишни йўлга қўйган эдик.

Эсингизда бўлса, дастлабки учрашув Адлия вазирлиги раҳбарияти билан бўлганди. Бу гал эса Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси раҳбарияти билан шундай қабул ўтказиш режалаштирилди. Бу бежиз эмас, албатта. Маълумки, мамлакат солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича кўп ўзгариш ва янгиликлар бўлмоқда. Шу жараёнда фуқароларда, айниқса, кичик ва ўрта тадбиркорлик билан шуғулланаётган ишбилармонларда турли хил саволлар пайдо бўлаётгани табиий. Сиз ўзингизни ташвишга солаётган муаммолар ва қизиқтираётган масалалар юзасидан қўмита мутасаддиларига савол бериш, таклиф-мулоҳазаларингизни билдириш имкониятига эгасиз.



**Саволлар, таклиф ва мулоҳазалар ёзма равишда 25 ноябргача таҳририятга йўлланиши ёки 133-20-36, 133-12-56 рақамли телефонлар орқали аниқ ва лўнда баён этилиши лозим.**

Сизларнинг савол ва таклифларингиз қўмита раҳбариятига тақдим этилади ва атрофлича ўрганиб чиқилади. Сўнгра Республика Солиқ қўмитасининг раиси **Жамшид Сайфиддинов** барча саволларга газетамиз орқали жавоб қайтаради.

Марҳамат, Сизни **«Ўзбекистон овози»**нинг **«Сиртқи қабул соатлари»** кутади!

## «ЛАЗЗАТ — МЕВА» ИШ БОШЛАДИ

Чехиялик ишбилармонлар билан жомбойлик тадбиркорлар ҳамкорлигида ташкил этилган «Лаззат — Мева» ҳозирда маҳаллий шароитда етиштирилган помидорни қайта ишламоқда.

— Тумандаги эски қурилиш материаллари комбинатини замонавий услубда корхонага мос ҳолда қайта таъмирладик, — дейди қўшма корхона раҳбари Ҳафиз Читадзе.

Ушбу корхонада 100 дан ортиқ қишлоқ ёшлари иш билан таъминланади.

■ **Шуҳрат ҚАРШИЕВ**

## ШАЙТОН

**Шайтон — шайтон эди, текканди жонга,**
**Одам Ато тутиб тиқди қозонга.**
**Сўнг роса қовурди, еб ҳам тугатди,**
**Шайтон шод, кирганди энди у қонга!**

**Абдулла ОРИПОВ**
**2002 йил 30 октябрь**



## ЧАҚМОҚ УМРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида назм ихлосмандлари шеърияти чақмоқ каби адабиётимизни ёритган шоир Усмон Носир таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонладилар.

Шоир хотираси ҳаммамиз учун муқаддасдир. У озодлик куйчиси, қуллик, тутқунлик душмани эди. Шунинг учун ҳам шоирни мустабид тузум қатағон этди. Мустақиллик учун навқирон ёшида қурбон бўлган Усмон Носир умид билан «Унутмас мени боғим» дея илтижо қилди. Уни нафақат юрт боғлари, балки юрагида ватани борлар, бутун халқимиз унутгани йўқ.

Тадбирни очган Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов бу кун шеърият мухлисларининг ҳақиқий байрами эканлигини, бунга буюк шоир шеърияти қисқа умри давомида қолдирган ижодий мероси лойиқлигини таъкидлади. Адабиётшунос Наим Каримов, шоир Сирожиддин Саййид ва бошқа ижодкорлар Усмон Носир ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Шеърлар ўқилди.

Чақмоқ осмонни бир бора ёритиб,такрорланмас суратлар чизиб, кўкни тарк этганидек, Усмон Носир ҳам чақмоқ каби яшаб ўтди. Ундан таралган ёруғлик эса ҳамон қалбларимизни ёритмоқда.

■ **Анвар САМАДОВ**

# ФЕРМЕР СУВНИ КИМДАН ВА ҚАНДАЙ ОЛАДИ?

### Фермер ерига сув етишмаслигидан нолийди. Аммо у сув берадиган идора билан шартнома тузганмикин? Республикамиздаги фермер хўжаликларини сув билан таъминлашнинг бугунги аҳволи қандай?

**Газетамизнинг ўтган сонларидан бирида «Фермер сувни кимдан олади?» сарлавҳали мақола эълон қилинганди. Унда Фарғона вилоятидаги бир гуруҳ фермер хўжаликлари ўз вақтида сув ололмаганликлари, бу эса давлат буюртмаси бўйича дон сотиш режасини бажара олмаганликларига сабаб бўлгани, оқибатда бундай фермер хўжаликлари буюртмачи ташкилотлар томонидан хўжалик судларига берилгани баён қилинганди.**

**Ушбу оғриқли масала юзасидан республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таҳририятимизга йўллаган жавоб хатини ҳам эълон қилгандик. Унда сув муаммоси ва фермер хўжаликлари олдида кўндаланг бўлиб турган бошқа масалаларни ҳал қилиш учун Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ташкил қилинганлиги, мазкур ташкилот республика Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилганлиги, унинг асосий вазифаси — фермерлар ўртасида сувдан тўғри фойдаланишни ташкил этиш, сув ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, давлат сув хўжалиги ташкилотларидан белгиланган лимит доирасида сув олиш, уни уюшма аъзолари ўртасида тақсимлаш ва шунга ўхшаш бошқа вазифалардан иборатлиги айтилганди. Шунингдек, қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудларида сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини тузиш бўйича китобча шаклида қўлланма ишлаб чиқилиб, вилоят ва туманларга жўнатилганлиги билдирилганди.**

**Хўш, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, унинг тизимидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарида нима ўзгарди, қандай ишлар амалга ошириляпти? Фермер хўжалиги деб ном олган иккинчи томоннинг бу масалада иштироки қандай бўлаётир?**




**Халқимизда «Қарс икки қўлдан» деган доно нақл бор. Шундай экан, фермер хўжаликлари бу масалада ўзларидан талаб қилинган вазифаларни бажаришяптими? Масалан, сув таъминоти идоралари билан тегишли шартномалар тузиляптими? Хўжалик юритувчи ҳар қандай субъект ўзига хизмат кўрсатувчи, таъминот ва тайёрлов корхоналари билан шартнома тузиши, шу асосда фаолият юритиши зарур эмасми?**

**Биз ана шундай саволлар билан республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги департаментининг сув ресурслари баланси ва сувни тежаш технологиялари бошқармаси бошлиғи Ҳожимурот ҒАФФОРОВга мурожаат қилдик.**

— Аввало шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли қарорига мувофиқ жорий йилда ҳам қатор қишлоқ хўжалик корхоналари, ширкатлар негизида кўплаб фермер хўжаликлари ташкил этилди. Янгидан тузилаётган ана шундай фермер хўжаликлари олдида бир қанча муаммолар, хусусан, сув муаммоси пайдо бўлиши мумкин. Кейинги йилларда фермерларнинг аксарият қисми сув танқислигидан нолишаётир. Жойлардаги хўжалик судларининг таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, фермер хўжаликларига экин майдонларини суғориш учун сув етказиб беришда турли чалкашликларга йўл қўйилмоқда. Энг ачинарлиси фермерлар ҳали-ҳануз ўз ҳуқуқларини яхши билмайдилар, манфаатларини ҳуқуқий асосларда ҳимоя эта олмайдилар. Масалан, фермер минерал ўғит, ёнилғи маҳсулотлари, техника воситалари учун тегишли ташкилотлар билан шартномалар тузади. Бироқ, экин етиштиришдаги энг асосий воситалардан бири бўлган сув етказиб берувчи ташкилотлар билан шартномалар тузмайди. Шунинг учун бундай нохуш ҳолатларни ва бошқа муаммоларни бартараф қилиш мақсадида Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ташкил этилди. Уюшманинг асосий вазифаси фермерлар ўртасида сувдан тўғри фойдаланишни ташкил этишдан иборат. Сув ресурсларидан тўғри фойдаланишни режалаштириш, давлат сув хўжалиги ташкилотларидан белгиланган лимит доирасида сув олиш ва уюшма аъзолари ўртасида тақсимлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини назорат қилиш, олинаётган ва тақсимланаётган сув ресурслари бўйича ҳисоб-китоб юритиш, сув кадастрини юргизиш, суғориладиган майдонлардан зовур сувлари чиқарилишини таъминлаш ҳам мазкур уюшма зиммасидадир.

Бундан ташқари, фермерларнинг ҳуқуқларини, манфаатларини, давлат ҳамда бошқа идора ва ташкилотларда ҳимоя қилиш ҳам мазкур уюшма ваколат доирасига киради. Жойларда қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудларида сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини тузиш бўйича қўлланма ишлаб чиқилди. Китобча шаклида чоп этилган бу тавсиялар фойдаланиш учун вилоят ва туманларга юборилди. Бугунги кунда 153 та ана шундай сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ташкил этилиб, уларга 11 минг 500 фермер, 20 мингдан зиёд деҳқон хўжаликлари аъзо бўлишди. Шу кеча-кундузда уюшмалар 350 минг гектардан ортиқ экин майдонларига сувни фермерларнинг талаби асосида етказиб беришаётир.

**— Ҳожимурот Қобулович, ўзингизга маълум, ер шарининг етмиш фоизга яқини океан ва денгизлардан иборат бўлгани билан шундан уч фоизигина кўл ва дарё чучук сувларидир. Дунё юзида заҳираси шу қадар бўлган сувнинг неча фоизи мамлакатимиз ҳудудларида тўпланади ва у қай йўсинда тасарруф этилмоқда?**

— Кўпчиликка маълумки, мамлакатимизда мавжуд фойдаланилаётган сув ресурслари асосан қўшни Қирғизистон ҳамда Тожикистон республикалари орқали юртимизга оқиб келади. Қолган қисми ўзимизнинг тоғлардаги қорлар эриши натижасида ҳосил бўлади. Сувдан ниҳоятда оқилона фойдаланишнинг аҳамиятига изоҳ бериб ўтириш шарт бўлмаса керак. Кейинги беш йил мобайнида қишлоқ хўжалик экинларини суғоришга ҳар йили ўртача 49 миллиард кубометр сув сарфланмоқда. Новегетация (кузги-қишки) мавсумида ерларни суғориш учун сув сарфиёти 12,1 миллиардни, вегетация — экинларни ўстириш даврида эса бу кўрсаткич 36,9 миллиард кубометрни ташкил этаётир. Бу кўпми, камми? Бу саволга жавоб рақамларга қиёсланганда топилади.

(Давоми 2-бетда)

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# ФЕРМЕР СУВНИ КИМДАН ВА ҚАНДАЙ ОЛАДИ?

(Давоми. Боши 1-бетда)



Агар 1999 йилда 1 гектарга 13,4 минг кубометр сув сарфланган бўлса, 2001 йилда бу рақам 10,65 минг кубометр бўлган. Демак, 2750 кубометр сув тежалган. Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё, Наманган ва Андижон вилоятлари қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари томонидан сувдан тежамли фойдаланиш чора-тадбирлари кўрилаётгани туфайли экинлар узлуксиз сув билан таъминланиб борилмоқда. Масалан, биргина Қашқадарё вилоятида ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларининг экин майдонларини суғориш учун сув олиш нуқталарида сувни тежаш мақсадида 15 мингтадан зиёд сув ўлчаш ускуналари ўрнатилди. Далаларни суғориш учун сув олишнинг чек усули жорий қилинди, сув ресурсларини тежаш, технологияларининг ишлаб чиқилиши натижасида 1999 йилга нисбатан 2001 йилнинг вегетация даврида 1,4 миллиард кубометрдан зиёд сув ресурслари тежалиши билан бирга, ҳосилдорликнинг ошишига эришилди. Шунингдек, Андижон вилоятида ҳам чигитни плёнка остига экиш ҳисобига суғориш меъёри 10,7 минг кубометрдан 8,43 минг кубометргача қисқартирилди. Натижада, 1999 йилга нисбатан 650 миллион кубометр сув ресурслари иқтисод қилинди. Бироқ, айрим қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ҳамда бир қанча

3

қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари сувдан хўжасизларча, жинояткорона, назоратсиз фойдаланиш, сувни коллектор-зовурларга оқизиб юбориш фактларига масъулиятсизлик билан қарашмоқда. Айрим вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ширкат, фермер, оилавий пудратчилар ва деҳқон хўжаликларида амалга оширилаётган ибратли тажрибаларни оммалаштириш чораларини кўрмаётир.

Жойлардаги қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари раҳбарлари сув текин, қанча хоҳласак шунча олиш мумкин деган эскича ўйда бўлишса керак. Ҳолбуки, Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон республикалари томонидан имзоланган ҳукуматлараро битимга асосан, Тўқтағул сув омборидан ёзги суғориш мавсумида (июнь, июль, август) олинган 2,5 миллиард кубометр сув эквиваленти электр энергияси ҳисобига қопланди. Биргина Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларини вегетация даврида лимит бўйича (2,5 миллиард кубометр) сув билан таъминлаш учун 2000 йилда 30 миллион АҚШ долларига, 2001 йилда эса 40 миллион АҚШ долларига тенг республика маблағи сарфланди. Буни ҳали-ҳануз тушуниб етмаган баъзи бир қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида иш тутишаётир. Бундай номақбул ҳолатларнинг вилоятларда содир этилишига асосий сабаб насос станцияларининг ишлаш режимига қатъий риоя этилмаслиги ва сув хўжалигига умуман алоқаси бўлмаган туман раҳбарлари томонидан насос станцияларининг ишлаш режимига ноқонуний аралашувлари туфайли содир бўлмоқда.

Бугунги кунда республикамизда 4 миллион 200 минг гектар суғориладиган экин майдонлари мавжуд. Ҳар бир гектар майдонга сув келтириш учун ўртача 29 минг сўм сарфланади. Агар 1 кубометр сувнинг нархи шу кеча-кундузда ўртача 2 сўм 72 тийин атрофида эканлигини, бу маблағ давлат бюджети ҳисобига қопланишини назарда тутсак, суғориладиган экин майдонлари учун сув харажати қанчалик катталигини англаймиз.

Агар биз Қарши магистраль каналини бир кун мобайнида технологик режимда ишлатсак, бир неча юз миллион сўм давлат маблағини тежаган бўлардик. Республикамиздаги мавжуд суғориладиган экин майдонларининг 50 фоизи насослар орқали суғорилишини назарда тутсак ва юқорида таъкидлаганимиз, технологик режимда суғориш меъёрларини, ер шароитини, экин турларини ҳисобга олиб, белгиланган муддатларда экинларнинг талабини аниқлаб, далаларни суғорсак бир қанча миллиардларни иқтисод қилган бўлардик.

Яна бир муаммо шундаки, кейинги 10-15 йил мобайнида ердан фойдаланиш ҳолати ҳамма жойда ҳам бир хил эмас. Айниқса, фермер ҳамда деҳқон хўжаликлари учун ажратилаётган ер майдонларининг ҳақиқий аҳволи мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бундай дейишимизга асосий сабаб эса мамлакатимиздаги кўпгина фермер хўжаликлари ҳамон давлатдан инъом кутиб яшамоқдалар. Фермер хўжаликларини ташкил қилишдан мақсад нима ўзи? Ачинарлиси шуки, қишлоқ хўжалигининг ривожига ҳисса қўшиш ниятида ташкил этилаётган фермер хўжаликларига кўмак бериш ўрнига маҳаллий раҳбарлар томонидан талаб кўпроқ бўлаётир...

Бугунги кунда республикамизда турли фаоли-

4

ят билан шуғулланувчи 70 минг 500 дан зиёд фермер хўжаликлари бўлиб, улар учун 1 миллион 500 минг гектар суғориладиган ҳосилдор ерлар бириктирилган.

Яна бир гап. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасида фермер хўжаликларининг сувдан фойдаланиши кафолатланган.

Шундай экан, сув манбалари, каналлар, дарёлар, сув насосларидан бевосита сув оладиган фермер хўжаликлари сув хўжалиги идоралари билан тўғридан-тўғри, сув олиш имконига эга бўлмаган фермер ҳамда деҳқон хўжаликлари эса ўзлари жойлашган ширкатлар ва жамоа хўжаликлари билан сув етказиб бериш бўйича шартномалар тузишлари зарур. Бунга асосан, ўша ширкат ёки жамоа хўжалиги ўз ҳудудидаги фермер хўжалигини сув билан таъминлаши шарт. Ачинарли томони шундаки, фермер хўжаликлари раҳбарларининг аксарияти мана шундай шартномалар тузиш заруриятини билмайди ёки билса ҳам масъулиятни сезмайди, шартнома тузмайди. Биргина Фарғона вилоятидаги 4216 та фермер хўжаликларидан борйўғи 49 тасигина қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари билан сув етказиб бериш юзасидан шартномалар тузганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Бундан кўринадики, фермер хўжаликлари ўзига ажратилган, белгиланган алоҳида сув лимитига эга эмас. У ширкат ёки жамоа хўжалиги раҳбариятидан сув сўрашга, хўжаликнинг эҳтиёжларидан ортиқча сувни олишга мажбур. Бундай ҳолатлар эса ширкат ва жамоа хўжаликлари билан фермерлар ўртасида маълум муаммолар пайдо бўлишига олиб келаётир. Сув муаммосига дуч келган фермер эса тунда, насосдаги сув тақсимловчига ялиниб-ёлвориб, яширинча сув олишга мажбур бўлади.

Савол туғилади? Мамлакатимиздаги 70 мингдан зиёд фермер хўжаликлари учун бугун қандай ҳуқуқий база яратилган?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли қарорига асосан, кам даромадли ва зарар билан фойдасиз ишлаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари тугатилиб, улар ўрнида фермер хўжаликлари ташкил қилинмоқда. Фикримиз далили сифатида бундай ишлар Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманида, Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятларида ҳам амалга оширилмоқда. Янгидан ташкил этилган ана шундай фермер хўжаликларига сувдан фойдаланиш хизматини кўрсатиш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида собиқ хўжаликлар ҳудудларида 153 та сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ташкил этилган. Бироқ, бу ишларни жойларда ташкил этишда бир қанча муаммолар ҳам юзага келмоқда. Масалан, вилоят ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларида сувдан фойдаланувчилар уюшмалари иш фаолиятларини мувофиқлаштириш билан боғлиқ бирорта бошқарма ёки мустақил бир бўлим аниқ белгилаб қўйилмаган. Уюшмаларнинг сув олиш нуқталарини сув ўлчаш ускуналари билан жиҳозлаш ишлари тўла амалга оширилмаган. Ўлчаш ускуналари ўрнатилган жойларда эса бу қурилмалар ҳануз аттестация қилинмаган.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, фермер хўжаликларини сув билан таъминлаш масаласида муаммолар оз эмас. Ана шу муаммолар ечими топилса, ҳам сув тежалади, ҳам фермернинг иши юришади.

■ **Суҳбатни «Ўзбекистон овози» махсус мухбири Соҳибжон САЛИМОВ ёзиб олди**

5

ЭКСПОРТ — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

# ЯНГИ ҲОСИЛ ТОЛАСИ —ХОРИЖГА

**Деҳқон ўз меҳнатидан қадр-қиммат кўрса, шунга яраша ҳаракат қилади. Буни ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди, — дейди «Тошкентпахтасаноат» бирлашмаси раиси Фарҳоджон ОМОНОВ**

— Маълумки, Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича дунё давлатлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Биз буни 1999 йили жаҳон пахта экспортидаги мамлакатлар салмоғи сарҳисоб қилинганида давлатимизнинг экспорт улуши умумий миқдорнинг 17,5 фоизини ташкил этиб, биринчи ўринни эгаллаганлигида кўрдик. Демак, ўлкамизда пахта хомашёсини қайта ишлаш саноатини янада такомиллаштиришнинг аҳамияти беқиёслигини таъкидлашга ҳожат қолмайди.

Бирлашмамиз тизимида Чиноз, «Мустақиллик», «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги», Оққўрғон, «Олимкент», Бекобод, «Далварзин», Бўка, Пискент, «Қорасув», Бектемир, «Ўзбекистон» пахта тозалаш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, тасарруфимиздаги 44 та пахтани қабул қилиш шаҳобчалари ҳам ишлаб турибди.

Етиштирилган пахта хомашёси «Тошкентпахтасаноат» бирлашмаси корхоналарида толага айлантирилмоқда. Жамоа ўтган йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлади. Тайёр маҳсулотларни шартномалар асосида истеъмолчиларга етказиб бериш ва сифатли тола ишлаб чиқариш суръати бирмунча ошди. Биргина Ўртачирчиқ туманидаги очиқ акциядорлик жамияти Бектемир экспериментал-тажриба пахта тозалаш корхонасида бултур 11 минг 120 тонна пахта хомашёси қайта ишланиб, 3170 тонна сифатли тола Швейцария, Италия, Франция, Англия, АҚШ ҳамда Россия сингари хорижий давлатларга сотилди. Пискент пахта тозалаш заводида ҳар йили қайта ишланадиган 27 минг 100 тонна хомашё толаси ҳам пешма-пеш экспорт қилинади. Жамоа ўтган 2001 йилда 7804 тонна, жорий йилнинг шу даврида 1262 тонна толани хорижга жўнатди. Шунингдек, «Оққўрғон» пахта тозалаш очиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳам октябрь ойида 18 минг тонна пахтани қабул қилиб, 1465 тонна маҳсулотни чет элга йўналтиришга улгурди.



— Корхонамиз асосан, «Наманган-77» ҳамда «С 65-24» навли пахта хомашёсини қайта ишлайди, — дейди Бектемир пахта тозалаш корхонаси бош муҳандиси Бахтиёр Жиянқулов. — Ускуналаримиз асосан IV-V типга мансуб қийин тозаланадиган тола олиш имконини беради. Бу типдаги пахта толаси эса жаҳон бозорида доимо харидоргир. Биз ана шундай толадан 200 тоннасини ўтган ойда АҚШ, Бельгия, Италия сингари мамлакатларга экспорт қилишга улгурдик.

Ҳаракат бор жойда — барака бор, деганларидек, 2002 йилнинг октябрь ойида Чиноз туманидаги пахтани қайта ишлаш корхонасида 2550 тонна пахта хомашёси қайта ишланиб, 800 тонна тола олинди. Сифатли тола Англия, Франция ҳамда АҚШга экспорт қилинди. Чиноз пахта тозалаш корхонаси акциядорлик жамияти раиси Ўткир Туроновнинг айтишича, туманда етиштириладиган 19980 тонна пахтанинг 14800 тоннаси қайта ишланиб, 4480 тонна сифатли тола хорижга экспорт қилинади.

Ҳосилнинг қолган 5180 тоннаси эса Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманидаги Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигида барпо этилган «САС» қўшма корхонасига уруғлик сифатида қайта ишлашга жўнатилади. Сўзсиз экспортдан келадиган даромад юртимиз равнақи, қолаверса, пахтачилик соҳасининг ривожига улкан ҳисса қўшади.

— Биласизми, экспортга чиқариш учун ўлчами, сифати, нави, ранги бир хил бўлган, муайян миқдордаги тола талаб қилинади, — деб тушунтиради бирлашма раиси. — Шу мақсадда тизимимиздаги корхоналар ишини такомиллаштириб замон талабларига мослашга ҳаракат қиляпмиз. Толанинг жаҳон бозорида юқори баҳоларда сотилишини таъминлаш учун маҳсулот сифатини кафолатловчи сертификатга эътибор берилмоқда. Ўртачирчиқдаги «Қорасув» пахта тозалаш корхонасида тайёрланган толанинг сифати хорижда эътироф этилиб, Женева конвенциясида «Олтин юлдуз» билан тақдирлангани ҳам бежиз эмас.

**— Бирлашманинг аксарият корхоналаридаги ускуна ва дастгоҳлар эскирганлиги маҳсулот сифатига панд бермайдими?**

— Бу муаммони ҳал қилиш учун бош қотираяпмиз, корхоналаримизни замон талабларига мос ҳолда таъмирлаяпмиз. Бундай изланишлар «Мустақиллик», «Пискент» ҳамда «Оққўрғон» корхоналарида ижобий ҳал этилган. Эндиликда Бекобод, Бўка ва Чиноз туманларидаги корхоналар ҳам шу йўсинда қайта таъмирланади. Бунинг эвазига электр қувватининг сарфи 50 фоизга камаяди.

Маҳсулотимни жаҳон бозорига олиб чиқаман, рақобатбардошлигини ошираман, деган одам хориж билан ҳамкорликни ривожлантириши керак. Бугуннинг талаби эса омбор учун эмас, балки сифат ва бозор учун меҳнат қилишни тақозо этмоқда.

«Тошкентпахтасаноат» бирлашмаси корхоналарида хорижий сармоядорлар билан алоқани мустаҳкамлаш йўллари изланиляпти. Хусусан, Янгийўлда қад ростлаган илғор технология билан жиҳозланган пахта тозалаш корхонаси АҚШ мутахассислари билан ҳамкорликда барпо этилган. У ерда толани пресслаш йўлга қўйилган.

Бирлашма тасарруфидаги пахтани қайта ишлаш корхоналарида бугун иш қизғин. Янги ҳосилни қайта ишлаш, сифатли тола олиш, унинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш йўлида изланишлар давом этмоқда.

■ **Соҳибжон ТЎХТАМУРОД ўғли**

ЎзХДП ХАБАРИ

# ОБУНА МАВСУМИ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

2002 йил 19 ноябрда ЎзХДП МК Котибиятининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда **Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг 2002 йил 23 сентябрдаги Ўзбекистон ХДП тузилмаларининг партия матбуот нашрларига 2003 йил учун обунани ташкиллаштириш юзасидан вазифалари тўғрисидаги қарори бажарилишининг бориши** ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Бу ҳақда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулхафиз Жалоловнинг ахбороти тингланди. У жойларда ХДП матбуот нашрларига обунанинг боришини таҳлил этиб, бу ишни бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш зарурлигига эътиборни қаратди.

Муҳокамада қатнашган Ўзбекистон ХДП Жиззах, Самарқанд, Хоразм, Тошкент, Қашқадарё вилоят кенгашлари биринчи котиблари М. Иномов, Р.Ҳамроқулов, Б.Бобожонов, С.Аъзамов, Ф.Омонов, «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журнали бош муҳаррирлари С.Остонов ҳамда Б.Бойқобулов, Марказий Кенгаш котиби И.Кочмарик ва бошқалар ХДП матбуот нашрларига обунани ташкиллаштиришни жиддий яхшилаш мақсадида кўрилаётган чоралар тўғрисида сўзладилар.

Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда Ўзбекистон ХДПнинг барча тузилмалари олдига жорий обуна мавсумини самарали ўтказишга доир аниқ вазифалар қўйилди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

# «ТИНЧЛИКСЕВАР ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ»

Тошкент Ислом университетида «Биз тинчликсевар юрт фарзандларимиз» мавзуида йиғилиш бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси терроризмга қарши кураш бўлими бошлиғи ўринбосари Даврон Назармуҳаммедов ёшларнинг бўш вақтларини фойдали машғулотларга жалб этиш аҳамияти ҳақида тўхталди. Баъзи йигит-қизларнинг динни ниқоб қилиб олган турли гуруҳлар таъсирига тушиб қолаётгани ҳақида афсусланиб гапирди. «Халқаро Амир Темур ҳайрия жамғармаси» Тошкент вилоят бўлими раиси ва Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси, кўнгиллилар жамияти раиси Низомиддин Исабоев ёшлар тарбиясида спортнинг аҳамияти бениҳоя катта эканини ҳаётий мисоллар асосида ҳикоя қилди.

Шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур тумани кенгаши раиси Бунёд Йўлдошев, Ислом университети проректори Саидакбар Аъзамхўжаев ҳам ёшларни жисмонан баркамол, мард ва жасур этиб тарбиялашда, ёмон йўллардан қайтаришда спортнинг аҳамияти ҳақида тўхталдилар. Тадбир сўнггида бир гуруҳ спортчиларга совғалар топширилди.

■ **Роҳила ИСМАТУЛЛАЕВА**

САВДО КЎРГАЗМАСИ

# ЎЗИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН



Пойтахтимизда 2003 йилда ўз хомашёмиздан ишлаб чиқариладиган енгил саноат маҳсулотларининг республика улгуржи савдо кўргазмаси ўз ишини бошлади. Унда иштирок этаётган 180 дан ортиқ акциядорлик жамияти ва қўшма корхоналар ип, шойи, жун газламалар, тўқимачилик ва чарматторлик маҳсулотлари, кийим-кечаклар, пойабзаллар ва чинни буюмларни тақдим этишган.



Ёрлиғига «Ўзбекистонда тайёрланган» деб ёзиб қўйилган товарлар наинки харидорлар, балки ишлаб чиқарувчиларнинг ўзларида ҳам фахрланиш ҳиссини уйғотмоқда. Биргина мисол: Хоразм вилояти «Гурлан» ҳиссадорлик жамиятининг маҳсулотларини олайлик. Сифатли тикилиши, ранги тоза, замонавий бўлиши билан бирга нархи арзон.

Жорий йилда 1 миллиард сўмлик маҳсулот сотилди. Экспортга эса 200 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар жўнатилган. Йил охиригача уни 400 минг долларга етказиш кўзланган.

— Жамоамизнинг режалари катта, — дейди «Гурлан» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Фахруддин Жуманиёзов. — Ярмаркага янги маҳсулотларимизнинг намуналарини тақдим этганмиз. Ўйлаймизки, улар харидорларга манзур бўлади. Айтиш керакки, корхонамиз ишлаб чиқариш ҳажмини янада кўпайтириш, товарлар ассортиментини кенгайтириш ва рақобатбардошли маҳсулотлар билан бозоримизни тўлдиришга интилмоқда. Бу борада ҳукуматимизнинг шу йил 13 ноябрдаги «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори бизни янада яхши ишлашга рағбатлантиради. Зеро, унда корхоналар учун кўп имтиёзлар берилган.



■ **Алишер РЎЗИЕВ**

✧✧✧

**Суратларда:**
ярмарка ишидан лавҳалар.
**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.**

ОЧИҚ, АММО АЧЧИҚ ГАПЛАР

# АГАР СУДЬЯЛАР
## КИМГА ВА НИМАГА

Агар ҳуқуқий мавзуда бирор нарса ёзишга қийналсам, қўлимга республика Конституциясини оламан. Ихчамгина, аммо асрлар мобайнида халқимизга ҳеч ким бермаган улуғ неъмат — Озод ва Эркин ҳаёт инъом этган Истиқлол кашфиёти у. Инсон ҳуқуқлари, демократик давлат ва жамият тараққиётини тўла кафолатлайдиган буюк кашфиёт.

Ҳамиша ҳам воқеликни аниқ-равшан баҳолайдиган холис фикрга бирдан келиб бўлмайди. Қачонки, қонунлар тўла рўёбга чиқса, қонунга амал қилиш чин эътиқодга айланса, жамиятда бемисл руҳий кўтарилиш юз беради. Бутун ҳаракатлар пировард натижада ана шу истиқболга етказади, албатта. Бу борада Асосий Қонунимиз йўл кўрсатувчидир.

Буларни бежизга тилга олмаяпман. Аслида улар ҳақида «Китоб» ширкат хўжалиги раиси, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг қонунчилик бўйича доимий комиссияси раҳбари Зарип Бурхонов билан гаплашган эдик. Охирги сессияда у бошчилик қилаётган доимий комиссия фаолияти таҳлил қилинди. Кўп мулоҳазалар билдирилди, бироқ олиб борилган ишлар маъқулланди. Ана шу сессиядан кейин у билан суҳбатлашгандик. Орадан анча вақт ўтди. Бу гал учрашганимизда тўсатдан шундай деб қолди:

— Мана, шу газетани қанча киши ўқийди?

— Эшитишимча, обуначилари тўрт мингдан ошиқ экан. Яхши мақола чиқса, қўлма-қўл бўлиб кетишини ҳисобга олсак...

— Яшанг. Яна камида мингта газетхоннинг кўзи тушади. Кўпчилик унда ёзилганни ҳақиқат деб қабул қилади. Шундайми? Энди бу мақолага қаранг. Шошмай ўқийверинг.

У ўзини хотиржам кўрсатсада, негадир асабийлашаётгани сезилиб турарди. Билдимки, газетада ғашига тегадиган нимадир босилган. Шунинг учун ҳам «Қашқадарё» газетасининг 2002 йил 21 сентябрь сонидаги вилоят хўжалик суди раиси ўринбосари Мирзо Турсунов имзоси билан берилган «Мажбурият ва масъулият» мақоласини эътибор билан ўқий бошладим. Яхши мавзу — шартнома мажбуриятларининг бажарилиши, ноқонуний, низоли ишларнинг судда кўрилиши танланган. Ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Айрим рақамлар диққатимни тортди. Масалан, 2001 йилда судда кўрилган 152 ишда фермер хўжаликлари даъвогар, 94 ишда жавобгар сифатида, шу йилнинг 7 ойида эса 25 ишда даъвогар, 545 ишда жавобгар сифатида иштирок этишибди. Жонли мисоллар, келтирилган. Хулоса ҳам тайин: ҳамма нарса қонуний бўлсин, бошқача йўл йўқ.

— Хўп, мана ўқиб чиқдим, — дея гап бошладим. — Менимча, бундай мақолалардан наф кўп. Масалан, сиз раҳбарлик қилаётган «Китоб« ширкати билан ижарачи — «Диёр» фермер хўжалиги ўртасида тузилган шартнома нега бекор қилинганлиги ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берилибди. Сизнинг ҳам фикрингиз келтирилган.

— Бу ғирт ёлғон, — дейди Зарип Бурхонов жиғибийрон бўлиб. — Узр ҳозир вақтим тиғизроқ, бўлмаса, ҳаммасини ўзим батафсил тушунтириб берар эдим. Ҳуқуқшуносимиздан ҳужжатларни олсангиз. Кейин бирор фикр чиқса, гаплашамиз...

Ана шу тарзда қизиқарли воқеанинг тасодифий гувоҳи бўлиб қолдим. Хўжалик ҳуқуқшуноси Озода Қодирова тақдим қилган ҳужжатларга бир марта кўз югуртириб чиқдим.Таҳлил учун эса анча ўтиб вақт топдим.

Маълум бўлишича, «Китоб» ширкати ва «Диёр» фермер хўжалиги ўртасида 2000 йил 27 апрелда 14,7 гектар боғни 10 йил муддатга ижарага олиш юзасидан шартнома тузилган. Қайд этилган шартларга кўра, фермер хўжалиги олинган ҳосилнинг 14 фоизини ширкатга

БОШ ҚОМУСНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

# КОНСТИТУЦИЯ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДИР

## СЎЗ ДАДИЛ, МАҚСАД АНИҚ БЎЛИШИ УЧУН КОНСТИТУЦИЯНИ ЧУҚУР ЎРГАНМОҚ ЛОЗИМ

Ўзини тўла ҳуқуқли фуқароман, деб билган инсон аввало қонунларни яхши билиши керак. Қонунларнинг бош бўғини эса Конституциядир. Аниқроқ қилиб айтсак қонунлар Конституция «хамиртуриш»идан олинади. Лекин қонунларни билиш қанчалик муҳим бўлса, унга амал қилиш, унинг ижросини таъминлаш ҳам шунчалик муҳимдир.




Қонунлар, улар ижроси ҳақида сўз кетганда орамизда ғалати тушунча бор: гўёки бу иш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, дипломида ҳуқуқшунос ёзуви бор ходимларга тааллуқли. Йўқ, ҳуқуқий давлат қуриш йўлида қонунни билиш ва назорат қилиш касбимиз ёки мавқеимиздан қатъи назар ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Гап Конституция нечта бўлим, қанча боб ёки моддадан иборатлигини ёддан билишда эмас, балки асосий қонунимизнинг бутун руҳини онгимизга, шууримизга сингдира билишимизда. Уни ҳаётга татбиқ эта олишимизда. Чунки улуғ бобокалонимиз Амир Темур айтганларидек: «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади».

Дарҳақиқат, Конституция ва қонунлар устунлигининг таъминланиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири. У Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қурилишининг энг асосий жиҳатларини белгилайди. Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек: «Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шуни англатадики, бунда барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида, унга мувофиқ бўлиши талаб этилади».

Шундай қилиб, қонунчилик — бу қонунларнинг аниқлигидан, жамиятда чинакам демократик муҳит ўрнатилганлигидан далолат беради. У давлат томонидан қонунлар тизимини жамият тараққиёти талабларига мос равишда такомиллаштириб боришдир. Шунингдек, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунларга қатъий риоя этиш ҳамда уларни оғишмай амалга ошириш принципидир. Қонунчилик принципи қонунларнинг ҳамма учун истисносиз мажбурийлигини, ҳамманинг қонун олдида тенглигини, қонунларнинг ҳамма ерда бир хилда жорий қилинишини ҳам англатади.

Конституциянинг 15-моддаси иккинчи қисмида «давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар», деб кўрсатилган. Демократик жамиятда давлат ва унинг органлари, жамоат бирлашмалари Конституция ҳамда тегишли қонунлар асосида ташкил қилинади ва фаолият юритади. Улар Конституция ва қонунларда белгиланган ваколатларнигина амалга оширадилар. Мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳам фақат ва фақат Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Демократик жамиятда энг улуғ қонун ҳам, сўз ҳам, тушунча ҳам Конституциядир.

Ҳаётда сўзим дадил, мақсадим аниқ бўлсин, деган киши қонунларни яхши билиши керак. Қонунларнинг очқич калити эса Асосий Қонун — Конституциядир.

■ **Ҳабибулло ТУРҒУНОВ,**
**Жиззах тумани прокурори ўринбосари**

# ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ КАФОЛАТИ

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, республика Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ва Олий судлари ҳамкорликда Наманган вилоят ҳокимлигида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — қонун ва ҳуқуқ-тартиботнинг кафолатидир» мавзуида Конституциянинг 10 йиллигига бағишлаб илмий-амалий конференция ўтказди. Унда вилоят фаоллари, жамоатчилик вакиллари, вилоят, шаҳар ва туман прокуратураси ҳамда суд органлари ходимлари, адвокатлар, ҳуқуқшунос олимлар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалар қатнашдилар.

Конференцияни вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Т.Жабборов очди.

Анжуманда республика Бош прокурорининг ўринбосари А.Холмахматов, Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Й.Жўраев ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Нотиқлар ўз маърузаларида республикада қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг мустаҳкамланишида Конституциянинг муҳим роли ҳақида сўз юритдилар. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг вазифаси фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, асосий Қонун ва «Давлат бошқаруви тизимининг асосий принциплари ҳақидаги референдум натижалари тўғрисида»ги Конституциявий Қонунларни тарғибот қилиш эканлигини алоҳида таъкидладилар.

**Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ**

✧✧✧

Андижон вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг гарови» мавзуидаги илмий-амалий конференцияда республика адлия вазирининг биринчи ўринбосари И. Абдуллаев, республика Конституциявий суди судьяси Г.Пиржанов, республика Олий судининг судьяси М.Ғанижонов ва бошқалар қонунчилик, Конституция ва унинг демократик жамиятдаги ўрни ҳақида маъруза қилдилар.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ**

ТЕЖАЛГАННИ — НАҚД БОЙЛИК

# ҲИСОБИНИ БИЛМАГАН — ҲАМЁНИДАН АЙРИЛАР

**Газ ўлчагич ускуналари ўрнатмаган бухоролик истеъмолчилар бу ҳақиқатни энди тушуниб етишмоқда**

Бухоро шаҳридаги Навоий кўчасида яшовчи Набиевлар оиласи серфарзанд. Оилада ўн икки жон, ҳар бири ейиши-ичиши, кийиниши керак. Қишда уйларни иситиш, ҳаммомни қиздириш муаммо эмас, газ бор. Аммо пулига келганда бош қашишга тўғри келарди.

Иккита газ, тўртта иситиш печкаси ва ҳаммоми бўлган хонадон соҳиби амалдаги тўловлар асосида истеъмол қилинган газ учун ҳар йили 127 минг 141 сўм тўлаб келарди. Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой фондини сув ва газни ҳисобга олиш асбоблари билан жиҳозлаш, уларни Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори чиқдию, ҳамма қатори Набиевлар оиласининг ҳам мушкули осон бўлди. 2001 йилнинг апрель ойида хонадонга газ ҳисоблагич ўрнатилди. Энди қаранг, ана шу ўтган давр ичида хонадон соҳиби газ ҳақи тўлови учун бор- йўғи 26 минг 345 сўм тўлади, холос. Бундан кўринадики, биргина газнинг ўзидан оила бюджети 100 минг сўмдан зиёд маблағни тежаб қолди.

Дарвоқе, табиий газдан ўринли фойдаланишда газ ҳисоблагичларнинг аҳамияти катта эканлигини эндиликда кўпчилик тушуниб қолишди. Шу боис, жойлардаги газ таъминоти корхоналарига ариза билан мурожаат қилувчилар сони кун сайин кўпаймоқда.

— Фуқаролар билан бирга корхоналарнинг раҳбарлари ҳам бу ишга жиддий ёндашмоқдалар, — дейди «Бухорогазтаъминот» шўъбасининг капитал қурилиш бўлими бошлиғи Бахтиёр Гулимов. — Вобкент туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги (раиси Асрор Бобоев), Бухоро магистрал электр тармоқлари корхонаси (раҳбари Х.Муҳаммаджонов) томонидан тушган талабномаларда ишчи-хизматчилар хонадонларига газ ҳисоблагичлар ўрнатиб бериш сўралган. Қувонарли томони шундаки, ҳамма харажатларни шу ширкат хўжалиги ва корхона ўз зиммасига олган. Бундан истеъмолчи ютадида... Биз эса талабномаларни бажариш пайидамиз...



Хўш, бу ишлар мароми умуман вилоят бўйича қандай бормоқда? Масалан, Вобкент туманида аҳолини газ билан таъминлаш бугунгача 63 фоизни ташкил этади. Қишлоқ аҳолисининг 75 фоизи табиий газдан фойдаланишмоқда. 11436 хонадоннинг ярмидан кўпида газ ўлчагич мавжуд. Биргина шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 1035 та газ ҳисоблагич ўрнатилиб, топшириқ 177 фоиз уддаланди. Бунинг эвазига эса туманда газ сарфи 8 миллион кубометрга тежалди. Мана, сизга иқтисод!

Шофиркон туманида ҳам йилнинг ўтган ойлари ичида хонадонларга газ ҳисоблагичлар ўрнатиш режаси 111 фоизга уддаланди. Бироқ Когон, Ромитан, Қоракўл, Қоравулбозор, Ғиждувон, Жондор, Пешку, Олот туманлари ҳамда Бухоро шаҳрида бу кўрсаткич ҳозирча 16 фоиздан ошмаяпти. Вилоят бўйича 233261 та хонадондан 25478 тасида (10,92 фоиз)гина газ ҳисоблагичлар ўрнатилган. Умуман вилоятда кейинги тўрт йилда бажарилган ишлар ҳажмидан қониқиб бўлмайди. Агар мазкур иш режаси 1999 йилда 80 фоизга бажарилган бўлса, 2000 йилда 19 фоиз адо этилди, холос. Бултур эса 71 фоизда қолиб кетди. Жорий йилда вилоятда 43200 та газ ўлчагич асбоблари ўрнатилиши кўзга тутилган. Бироқ, ҳозиргача, (йил охиргача бир ойгина қолди!) бу рақам 10813 тадан энди ошди.

Хўш, муаммо илдизи қаерда? «Бухорогазтаъминот» шўъба корхонаси мутасаддиларининг фикрича, «Бошкоммунгаз» давлат корхонаси томонидан газ ўлчагичлар ҳар бир вилоятга марказлаштирилган ҳолда етказиб берилиши керак. Аммо у бажарилмаяпти. Шу йил давомида ўрнатилган 4880 та газ ўлчагич асбоблари бундан уч ой муқаддам жўнатилган. Устига-устак, мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган газ ўлчагич асбоблари миқдори талаб даражасида эмас.

— Муаммони қисман ҳал этиш йўларини ўзимиз ҳам излаяпмиз, — дейди «Бухорогазтаъминот» шўъба корхонаси директори Ф. Тўхтаев. — Жумладан, Украинанинг Янполь шаҳридаги шундай ускуналар тайёрлаш заводи раҳбарияти билан келишдик: улар билан тузилган шартномага кўра, газ ўлчагич асбоблари ишлаб чиқарувчи қўшма корхона шу йил охирида иш бошлайди...

Йил якунланишига оз қолди. Газ ҳисоблаш асбобларининг фойдаси ҳақида аҳоли ўртасида кенг тушунтирув ишлари олиб бориш билан бирга уларни эҳтиёж даражасида ишлаб чиқариш, топиш ва ўрнатиш маромини тезлаштириш ҳам шу куннинг муҳим юмушларидан бири.

■ **Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

XORIJDA

### АВВАЛ КОНВЕНЦИЯ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ

Европа Иттифоқига аъзо давлатлар таркибини кенгайтириш масаласи 2004 йил январда кўриб чиқилиши белгиланган эди. Бироқ энди у майга кўчирилди. Негаки, Европа Иттифоқи таркибидаги давлатлар парламентлари ЕИга аъзо бўлиб кирувчи давлатлар тўғрисидаги конвенцияни кўриб чиқиб, ратификация қилишлари лозим. Шундан сўнг Кипр, Чехия, Эстония, Венгрия, Латвия, Литва, Мальта, Польша, Словакия ва Словения давлатлари Европа Иттифоқига аъзо бўлиб кирадилар.

### 20 КУНЛИК МУДДАТ БЕЛГИЛАНДИ

Бағдодга келган БМТ инспекторлари билан Ироқ раҳбарияти ўртасида бўлиб ўтган музокараларнинг асосий мавзуси текширув муддатини белгилаб олишдан иборат бўлди. Текширув инспекциясининг раиси Ханс Бликснинг баёнот беришича, оммавий қирғин қуроллари қаерда сақланиши, уларни ишлаб чиқариш объектлари ҳақида ёки бундай қуроллар мамлакатда мавжуд бўлмаса, буни ишончли далиллар билан исботловчи ҳисоботни Ироқ раҳбарияти 8 декабргача тақдим этишлари лозим.

# САДДАМ ҲУСАЙННИНГ ОИЛАСИ ЛИВИЯДАН БОШПАНА ТОПМОҚЧИ




Ироқ Президенти Саддам Ҳусайн мабодо АҚШ билан уруш юз берадиган бўлса, оиласи ва сафдошлари яширинишии учун маҳфий режа ишлаб чиқди. Режага кўра, улар Ливиядан сиёсий бошпана топмоқчи. Бунинг учун Саддам Ҳусайн Ливия банкига 3,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида пул ўтказиши керак, дейилади Британиянинг The Times газетасида чоп этилган хабарда.

Манбаси яширилган Ливия дипломатларининг маълумотларига қараганда, Президент агентлари Ироқ ҳукумати аъзолари ва президент оиласига сиёсий бошпана, топиш учун яқинда Ливия ва Сурияда бўлганлар. Масалан, газетада ёзилишича, президентнинг қариндоши ва ашаддий тарафдори генерал Али Ҳасан ал-Мажид сентябрь ойида Ливиянинг пойтахти Триполида шу масала юзасидан музокаралар олиб борган.

Ливия йўлбошчиси Муаммар Каддафи бунга рози бўлган — фақат Ливия банкига 3,5 миллиард доллар пул кўчириб ўтказиш шарти билан. Лекин шу нарса ноаниқки, бу пуллар сиёсий бошпана берилгани учунми, ёки «қочоқлар» ишлатиши учунми, ёинки, Ливия иқтисодиётига инвестиция киритиш учунми?

Манбаларга қараганда, Ироқ бош вазири Тариқ Азиз, ташқи ишлар вазири Нажи Сабри, революцион қўмондонлик кенгаши раисининг ўринбосари Иззат Иброҳим ал-Дури ва Ироқдаги Баас ҳукмрон партиясининг бир қанча вакиллари Ливиядан бошпана топадиган бўлишди. Уларнинг мамлакатдан чиқиб кетиш йўллари ҳам ишлаб чиқилган.

Лекин шу нарса аниқки, Саддам Ҳусайн ва унинг тўнғич ўғли Удэйга Ливия сиёсий бошпана бермоқчи эмас. Негаки, қайси давлат уларга бошпана берса, ўша давлатга АҚШ томонидан бошқача кўз билан қаралишини ҳамма яхши билади. Бироқ Ливия бу борада ташвишланмаса ҳам бўлади. Ғарб махсус хизматининг хабарларига қараганда, Саддам Ҳусайн ватандан қочиш фикридан йироқ.

### ПАРЛАМЕНТДА МУШТЛАШУВ

Грузия парламентида навбатдаги муштлашув юз берди. Депутатлар Петер Цискаришвили билан Давид Саганелидзе ўртасидаги тортишув муштлашувга айланиб кетди ва охир-оқибат Давиднинг тан жароҳати олиши билан якунланди.

Цискаришвилининг хатти-ҳаракати парламент аъзолари томонидан «криминал характерга эга» дея баҳоланди. Шу сабабли депутатлар Цискаришвилини депутатлик мандатидан маҳрум этишни ва устидан жиноий иш қўзғатишни талаб этишмоқда.

Икки ҳафта аввал эса тўрт депутат Цискаришвилини дўппослашган эди, дея хабар беради «Интерфакс» агентлиги.

### ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВЛАРИ АПРЕЛГА КЎЧИРИЛДИ

Аргентина ҳукумати келгуси йил мартда бўладиган президент сайловларини бир ой кейинга сурди. Шундай қилиб умумовоз бериш куни 27 апрелга белгиланди.

Сайловнинг кечиктирилишига сабаб шуки, мамлакатда носоғлом сиёсий муҳит вужудга келган. Бундан ташқари сайлов ўтказилиши жараёни билан боғлиқ ҳуқуқий-маъмурий муаммоларга дуч келинмоқда. Шу важдан ҳам жорий йилда сайлов муддати икки марта қайта ўзгартирилди.

### ҲУКУМАТ АЪЗОЛАРИНИНГ ДАРОМАДИ ҚАНЧА?

Украина Олий Радаси мамлакат президенти маъмурияти айрим вакилларининг молиявий аҳволини текшириб чиқишларини давлат солиқ идораларидан илтимос қилди. Текширилувчилар рўйхатида президент маъмурияти бошлиғи Виктор Медведчук, халқ депутати Виктор Пинчук ва донецклик бизнесмен Ринат Ахметовлар бор. Польшанинг «Впрост» журналида эълон қилинган Марказий ва Шарқий Европа бойваччалари рўйхатида уларнинг номлари қайд этилганлиги бу текширувга сабаб бўлмоқда.

### ОСАКАДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ



Япониянинг Осака шаҳрида 2007 йили енгил атлетика бўйича XI Жаҳон чемпионати ўтказиладиган бўлди. Енгил атлетика халқаро федерацияси кенгашининг яқинда бўлиб ўтган махсус йиғинида шундай қарорга келинди.

Гап шундаки, чемпионатга даъвогарлик қилаётган Берлин ва Будапешт шаҳарлари ўз номзодларини қайтариб олгач, яккаю-ягона Осака шаҳрининг ўзи қолди ва мақсадига эришди.

Чемпионат 24 августдан 2 сентябргача бўлиб ўтади.

# ЁЛҒОН ГАПИРСА...

## ИШОНИШ КЕРАК?

86 фоизини қайта ишловчи корхоналарга топшириши, режадан ортиқча (пахта ва ғалладан ташқари) маҳсулотни ўзида қолдириши белгилаб қўйилган.

Ўз вақтида келишиб тузилган шартномани ижарачи (фермер хўжалиги) буза бошлайди. Огоҳлантиришлар таъсир қилмайди. Шундан кейин 2001 йилнинг 22 ноябрида ширкат аъзоларининг вакиллари йиғилишида бу масала кўриб чиқилади ва шартномани бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилинади. Бунда «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида белгиланган қоидаларга биноан иш кўрилади.

Бу қарордан норози бўлган фермер хўжалиги шартнома амалдаги қонунларга хилоф равишда тузилганлиги, унга қўшимчалар киритишга ширкат раҳбарияти розилик бермаганлигини кўрсатиб, Қашқадарё вилоят хўжалик судига мурожаат қилади. Хўжалик судининг судьяси Г. Эгамов раислигида 2002 йил 24 июнда бўлиб ўтган мажлисида жавобгар томон— ширкат вакиллари қатнашмайди. Шундай бўлса-да, даъвогарнинг талабларини қисман қаноатлантириш, шартномага айрим ўзгартиришлар киритиш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилинади.

Энди даъвогар сифатида «Китоб» ширкати суд эшигини қоқади. Хўжалик судининг судьяси А. Шукуров раислигида 2002 йил 12 июлда ўтган йиғилишида тортишаётган томонлар вакиллари тўлиқ иштирок этишади. Даъвогар томон келтирган далилларни қўятурайлик. Хўжалик судининг 2002 йил 24 июнда шартномага ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорининг ўзиёқ 2000 йил 27 апрелда келишилган мажбуриятлар; аҳамиятини йўққа чиқармоқда. Энди янги шартнома тузиш керак. Бунга ширкат рози. Ана шу тарзда суд шартномани бекор қилиш ҳақидаги қатъий хулосасини баён этади.

Можаро эса давом этади. Ижарачи бундай қарордан норози. Хўжалик суди апелляция ҳайъатининг М. Турсунов раислигида 2002 йил 4 сентябрда ўтган йиғилишида биринчи инстанция судининг хулосасига қўшилиб бўлмайдиган қуйидаги асослар келтирилади: қонунга кўра, даъвогар шартномани бекор қилиш учун таклиф билан чиқиши, 30 кун ичида жавоб ололмаса, кейин судга мурожаат қилиши лозим. Бунга амал қилинмаган; вакиллар йиғилиши қарори судга кўрсатилмаган; шартномани бекор қилишга сабаб бўлган олти важни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган; биринчи суд инстанцияси томонлар ўртасидаги шартномага ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги вилоят хўжалик судининг 2000 йил 24 июлдаги ҳал қилувчи қарори мавжудлигига эътибор қаратмаган... Ана шуларга биноан, хўжалик суди апелляция ҳайъати «Диёр» фермер хўжалиги талабларини ёқлаб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилади...

Бундай чигал можарони кўрганмисиз? Демак, «Китоб» ширкати раҳбарияти ва ҳуқуқшунослари ҳеч қандай ҳужжат солинмаган хатжилдлар билан судга келишган. Бунга изоҳ беришнинг ҳожати йўқ. Яхшиси, вилоят хўжалик суди раисининг ўринбосари (апелляция ҳайъатига раислик қилган) М.Турсуновнинг юқорида тилга олинган «Мажбурият ва масъулият» сарлавҳали мақоласига мурожаат қилайлик. Судья мақоласида айнан ана шу 328-сонли ижара шартномаси тўғри бекор қилинганлигига алоҳида урғу берган. Мақолада бундай дейилган:

«Шартнома мажбуриятларини бажариш шартлиги тўғрисида бир неча бор «Диёр» фермер хўжалиги раиси А.Маҳмедовни оғзаки ва ёзма равишда огоҳлантирдик, — дейди суд мажлисида «Китоб» агрофирмаси раиси Зарип Бурхонов. — Лекин у бунга эътибор қилмади. Ижарага олинган боғда етиштирилган меваларни шартнома бўйича топширмасдан, четга сотиш учун олиб кетаётганида бир неча бор ички ишлар ходимлари томонидан ушланди. Бироқ у бундан тўғри хулоса чиқармади. Шунинг учун шартномани бекор қилмасак, бошқа иложимиз йўқ.

Судимиз ушбу иш бўйича тарафлар кўргазмаларини тинглаб, тақдим қилинган далилларга қонуний баҳо бериб, даъвони қаноатлантириш ва ўртадаги шартномани бекор қилиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди»...

— Мирзо Турсунов мақолада шартноманинг бекор қилиниши қонуний эканлигини таъкидлаяпти, — дея мулоҳаза билдиради Зарип Бурхонов. — Бироқ апелляция ҳайъатининг раиси сифатида эса унинг ўзи ана шу ҳал қилувчи қарор бекор қилинишига эришаяпти. Буни нима деб баҳолаш керак? Судьянинг ёлғони нега минглаб газетхонларга ҳақиқат, деб тақдим этилмоқда?

— Менимча, мақолада «ҳал қилувчи қарор» кўзда тутилмоқда, — дея ўз фикримни билдираман. — Апелляция шикояти кўрилган судда бу қарор хато бўлганлиги эътироф этилмоқда. Суднинг хатосини яна суд тузатишининг нимаси ёмон?

— Келинг, сиз айтганча бўлсин, — изоҳ бера бошлайди Зарип Бурхонов. — Нега унда М.Турсунов мақолада шартноманинг бекор қилинганлиги қонуний эканлигини мисол қилиб келтираяпти, ҳатто менинг фикримдан ҳам фойдаланган?

— Ана шу қарор бекор бўлишини олдиндан кўра олмаган демоқчимисиз?

— Йўқ, масала сиз ўйлагандан ҳам мураккаброқ. Ҳамма гап моҳиятда. Моҳият шуки, тузилган шартнома шартлари бир неча бор бузилди, уни бекор қилиш юзасидан ширкат вакилларининг қарори қабул қилинди. Агар биз ҳам пахта тозалаш, дон қабул қилиш ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлар билан тузилган шартномаларни буза бошласак, нима бўлади? Корхоналарга пахта, дон ва бошқа маҳсулотлар топширилмай қолади. Мана, сизга шартнома нима дегани! Ҳозирги иқтисодий шароитда бу ҳуқуқий ҳужжатсиз, яъни битимсиз бир қадам ҳам қўйиб бўлмайди. Мирзо Турсунов нега одамларни чалғитаётгани унинг виждонига ҳавола. Ҳозир республика Олий хўжалик судига мурожаат қилганмиз.

Бош қонунимизни қайта ўқиб чиқар эканман, бугунги суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар руҳи унга қанчалик мос эканлигини кўнглимдан ўтказаман. Ва бу ислоҳотлар ниҳоятда зарурлигига тўла ишонаман. Ислоҳотларни эса одамлар амалга оширади. Бу улуғ ишга ёлғон аралашса нима бўлади? Бунинг жавоби осон эмас...

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

# МИЛЛАТ УЧУН МУҲИМИ МАКТАБДИР

## Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти билан учрашув бўлиб ўтди

Мамлакатимизда миллий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Бу борада 1997 йил 29 августда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган. Таълим жараёнида юксалиш, янгиланиш босқичи давом этмоқда.

XX асрнинг улкан маърифатпарварларидан бири Саидризо Ализода «Муаллим ила муҳаррир миллатнинг икки қўлидир» деган эди. Бу қўллар дўстона бир-бирига интилганда ҳақиқат ойдинлашади. Муаммолар ечимини топади. Бугун ҳаммамиз учун «ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласи» бўлиши зарур.

Анжуманда иштирок этган халқ таълими вазири Рисбой Жўраев журналистлар ҳукмига қуйидаги маълумотларни ҳавола этди.

— Мактабгача таълим бўйича меъёрий ҳужжатлар — «Мактабгача таълим ёшидаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган Давлат талаблари», болалар тафаккурини ривожлантириш ва мактабга тайёрлашга йўналтирилган «Учинчи мингйиллик боласи» таянч дастури, тарбиячилар ва ота-оналар учун услубий қўлланмалар, тавсиялар яратилди. Ҳозирги пайтда республикадаги 6865 та мактабгача таълим муассасасида 640 мингдан ортиқ фарзандларимизга 64 мингга яқин тарбиячи таълим бермоқда. Шу кунгача 32 та мактабгача таълим нодавлат муассасаси ташкил этилди, яна 82 таси режалаштирилмоқда. 9672 та умумтаълим мактабларида олти миллиондан ортиқ ўқувчи сабоқ олмоқда. Уларга таълим бераётган педагоглар сони 500 мингдан зиёд. 1997-2001 йиллар давомида 188 минг ўқувчига мўлжалланган 518 та мактаб қурилди. Информатика ва ҳисоблаш техникаси кабинети мавжуд бўлган мактаблар сони 306 та, яъни 7,5 фоизга кўпайиб, компьютерлар билан таъминлаш даражаси 48 фоизга етди.

Миллий дастурга биноан умумий ўрта таълимнинг 23 ўқув фани бўйича Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Мактаб дарсликларининг янги авлоди яратилди. 2002 йилнинг 10 ноябрь ҳолатига кўра Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ва бошқа нашриётлар томонидан 517 номда 30,5 миллион нусха дарсликлар нашр этилди. Осиё ривожланиш банки кредит маблағи ҳисобидан 4,6 миллион нусха 12 номда дарсликлар ижара тизими учун нашр этилди.

БМТнинг ЮНИСЕФ ва ЮНЕСКО ташкилотлари, АҚШнинг Тинчлик Корпуси, АКСЕЛС ва ЮСАИД ташкилотлари, Япония, Франция, Исроил элчихоналари билан халқаро алоқалар ўрнатилган. Биргина Япония элчихонаси билан сўнгги икки йил давомида 4 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган 70 та шартнома имзоланди. АКСЕЛС ташкилоти билан ҳамкорлик натижасида 500 га яқин мактаб ўқувчилари Америкада таълим олиб қайтишди. 400 дан ортиқ ўқитувчилар эса хорижда малака ошириб, тажриба алмашдилар.

Вазир жанобларининг келтирган факт ва рақамларидан кўриниб турибдики, халқ таълими тизимида ижобий ишлар, ўзгаришлар кўлами катта.

Лекин бу соҳада муаммолар ҳам оз эмаслиги мулоқот бошлангандан сўнг кўзга ташланди. Бугун айрим жойлардаги мактабларимизнинг моддий техника базаси ночор аҳволда. Мактаб ёрдамга, эътиборга, жамоатчилик кўмагига муҳтож. Маърифат дарғаларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий айтганидек: «Мактаб — дунё иморатларининг энг муқаддаси ва қадрлисидир. Мактабнинг чин ва ҳақиқий маъносини билган миллатлар жонлари, моллари шан ҳиммат ва ғайратларини сарф этиб, миллатнинг тараққийи ривожига ижтиҳод қилурлар» деган эди. Ҳа, тараққиётнинг бош омили маърифат, юксалишнинг қаноти мактабдир. Эртага лицей ва коллежларимизга, олий ўқув юртларига учирма қилинаётган фарзандларимиз мактаб бағрида улғаяди. Ватанни севиш шу ердан бошланади. Она тилига меҳр, ўтмишга ҳурмат, садоқат шу даргоҳда шаклланади. Қуёш кўкдан сочаётган нури ила қанчалар қадрли бўлса, замин узра зиё таратаётган мактаб шу даражада азиз ва қимматлидир.

■ **Фаррух ҲАМРОЕВ, Зайниддин МАМАДАЛИЕВ**

2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

# ИЗЗАТ-ИКРОМГА ЛОЙИҚ

«Нуроний» жамғармаси биноси... Ўзига хосу мос тарзда таъмирланган бинода алланечук салобат, шукуҳ. Пиллапоялардан кўтарилганингиз сари вужудимизда вазмин бир туйғу пайдо бўлади. Бири-биридан ораста, нуроний онахонларнинг дилгир суҳбатлари қизғин. Улар давра столи атрофида жамғарма фаолияти, давлатимизда қарияларимизни эъзозлашга муҳим аҳамият берилаётгани хусусида суҳбатлашмоқдалар.

Бугун бу ерга республика «Нуроний» жамғармаси ҳузуридаги хотин-қизлар билан ишлаш гуруҳи аъзолари тўпланишган. Аниқроғи, уларнинг ҳисобот йиғилиши, шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида бажарилган ишлар сарҳисоб қилинади, янги режалар тузилади.

Даврадагиларга разм соламан. Умрини илм-фанга бағишлаган Мукаррам Муҳитдинова, шаҳримиздаги кўплаб ажойиб бинолар лойиҳаси муаллифи бўлган Тўлқиной Қодирова ва Саодат Усмонова, Муборак Юнусхўжаева, Галина Мельникова, Ирина Савельева сингари жамоат ишлари фидойилари бор.

Таниқли профессор Марфуа Алавия юртимиздаги тинчлик, осойишталик хусусида сўзлаб, поклик, ҳалоллик, иймон йўлида ёшларга сабот тилади.

Шундан сўнг ўз ҳалол меҳнатлари билан халқимизнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган Хосият опа Ёқубжонова бу йил амалга оширилган ишлар кўлами, мазмун-моҳияти хусусида тўхталди. Республикамиз миқёсида ўтказилган хайрли тадбирлар бирма-бир санаб ўтилди.

Инсон кексайгани сари кўнглида беғубор болаликдагидай илиқ гапларга мойиллик сеза бошлайди. Шуни инобатга олган гуруҳ аъзолари турли хил идораларда ишлаб, ҳозир кексалик гаштини сураётган ҳамда ўн-ўн икки нафар фарзандларини муносиб тарбиялаган кекса онахонлар ҳузурида бўлишганини маърузачи алоҳида таъкидлаб ўтди.

Республика хотин-қизлар қўмитаси вакили Хайриниса Мирзажонова, журналистлар Раҳима Шомансурова, сухандон Насиба Мақсудова ва бошқа фаолларнинг бажарилган ишлар ҳамда баъзи бир камчиликлар борасида билдирган фикр-мулоҳазаларидан сўнг кейинги қилинажак тадбирлар режаси аниқлаб олинди.

Тадбир охирида «Алла»ю «Ёр-ёр»лари билан танилган санъаткор Салтанат Сидиқованинг доираси «тилга кирди». Нуроний онахонларнинг қалблари завқ-шавққа тўлди. Даврани хурсандчилик кайфияти эгаллади.

— Доимо жамиятда иззат-икромга лойиқ бўлиб турганлигингизни ҳис қилсангиз, одамлар орасида бўлсангиз, сира кексаймайсиз, — дейди Хосият опа Ёқубжонова.

Қайтарканман, кўз олдимдан онахонларнинг нуроний чеҳралари кетмайди. Дилимда уларга илиқ бир туйғу, ҳавас, учқунлади.

■ **Муқаддас СОЛИҲ қизи**

СПОРТ





# ШИЖОАТ ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

Пойтахтимиздаги МҲСК спорт мажмуида юнон-рум кураши бўйича халқаро турнир якунланди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳри курашчилари билан бирга Қозоғистон ҳамда Қирғизистон давлатларидан ҳам спортчилар иштирок этди. Беллашувларда 221 нафар полвон саккиз вазн тоифаси бўйича тўрт кун давомида ғолиблик учун кураш олиб борди.

— Мусобақада юртимизнинг кўплаб ёш спортчилари гиламга чиқдилар, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Комил Фатхуллин. — Бу эса терма жамоамиз учун янги номзодлар саралаб олишда кўрик вазифасини ўтади.

Баҳслар ҳар бир вазн тоифасида жуда кескин ва муросасиз кечди. Шу боис, ғолибларни аввалдан башорат қилиш қийин бўлди. Турнирга биргина Қозоғистондан саккиз жамоанинг ташриф буюрганлиги мусобақанинг нуфузини оширди. Кўпчилик мутахассислар бухоролик тажрибали курашчи Савриддин Наврўзов(60 кг.)нинг финалда ғалаба қозонишига шубҳа қилмаганди. Аммо у ҳал қилувчи баҳсда ҳамшаҳри ёш ва умидли қатнашчи Баҳодир Имомовга ютқазиб қўйди.

Бошқа вазн тоифаларида олтин медаллар қуйидаги курашчиларга насиб этди: Марат Гарипов (50 кг. Қозоғистон), Элбек Тожиев (55 кг.), Зафар Ғофуров (66 кг. иккаласи ҳам Самарқанддан), Жаҳонгир Турдиев (74 кг. Қарши), Виталий Захарченко (84 кг.), Александр Евсюков (96 кг. иккаласи ҳам Қозоғистондан), Улуғбек Назаров (120 кг. Тошкент).

■ **Эркин ХОЛБОБО**

✧✧✧



**Суратларда:** турнир ғолиби Баҳодир Имомов; мусобақа ғолиб ва совриндорлари учун медаллар шодаси; беллашувлардан лавҳа.

**Абдулғани ЖУМАЕВ олган суратлар.**

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

# «МУЛОҚОТ» САҲИФАЛАРИДА




Республикамиз мустақиллиги эълон қилинган йилдан бошлаб нашр этилаётган «Мулоқот» журнали чинакам маънода мустақиллигимиз жарчисига, тарғиботчисига айланди. Албатта, бунга осонликча эришилгани йўқ. Журнал дастлабки сонлариданоқ долзарб ижтимоий-сиёсий мавзуларни ёрита бошлади. Шу билан бирга маънавият илдизлари минглаб йилларга бориб тақалувчи халқимиз тарихининг кўпчилик учун қоронғи томонларини мустақиллик нуқтаи-назаридан туриб очиб берди.

Яқинда, «Мулоқот»нинг 2002 йил учун мўлжалланган сўнгги сони босмадан чиқди.

«Муҳаррир минбари» рукни остида берилган «Кучли давлатдан кучли жамият сари» деб номланган бош мақолада Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясидаги нутқидан келиб чиқиб, бундан кейин қандай йўл тутишимиз, ҳаётимизда қандай вазифалар устувор бўлишлиги бирма-бир санаб ўтилади.

«Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак» деб номланган кейинги мақолада худди шу ном остида яқиндагина нашрдан чиққан Президентимиз асарлар тўпламининг ўнинчи жилди, унда ёритилган маърузаларнинг асл моҳияти ҳақида хабар қилинади.

Конституциямизнинг 10 йиллигига бағишланган Ғафўр Абдумажидовнинг «Конституция — мўътабар қомус» мақоласида Асосий Қонуннинг яратилиш тарихи, унда ўзбек давлатчилиги, миллий анъаналарнинг ҳисобга олинишидан тортиб, Қомуснинг жаҳон андозаларининг энг юқори талабларига ҳам тўла жавоб бериши таъкидланади. Муаллиф мақолада ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятнинг бош сарчашмаси саналмиш ҳаётимизнинг Асосий Қонунини бугунги кунда мукаммал ўрганишнинг долзарб муаммоларига тўхталиб ўтади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти директори, тарих фанлари доктори Дилором Алимова билан суҳбат «Мозий сабоқлари» сарлавҳаси остида берилган. Суҳбат рус истилоси, юртимиз озодлиги учун жон фидо қилган — Қатағон қурбонлари хотирасига бағишланган.

Сиёсатшунос олим, жамоат арбоби Нарзулла Жўраев «Маънавият — жамиятни ҳаракатлантирувчи куч» номли мақоласида мамлакатимиз истиқлолида маърифатнинг, маънавиятнинг ўрни ҳақида батафсил тўхталган. «Парламент ислоҳоти: жамиятни демократлаштиришнинг янги босқичи» номли мақолада муаллиф Холмурод Ҳидиров парламент тизими ва унинг фаолиятида юз бериши лозим бўлган ўзгаришлар ҳақида ёзади.

Файласуф Ортиқ Вафоев «Қарияларни қадрлаганни Оллоҳ қадрлайди» мақоласида бухоролик нуронийлар ҳаётидаги бугунги кун ўзгаришлари, вилоятда улар олиб бораётган савоб ишлар ҳақида ҳикоя қилади.

Журнал ўз анъаналарига содиқ қолиб, шарқшунос олим Ориф Усмоннинг «Буюк мутасаввуфлар» рукни остида Хожа Али Ромитоний ҳаёти ва ижодига оид мақоласини чоп этган. «Мулоқот»даги бундай мақола ва адабий асарлар журнал ўқувчиларини бефарқ қолдирмайди ва улар ўзларининг севикли нашрига 2003 йил учун обуна бўлишни унутишмайди, деган умиддамиз.

■ **Нормўмин ОЧИЛОВ**

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 1068
10476 nusxada bosildi
uzb ovozi@sarkor.uz.
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 1.00.
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**2002 йил 26 декабрь, 2003 йил 9,16 январь кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига эркин муомаладаги валютага қуйидаги объект қўйилади:**

Наманган вилояти, Норин тумани, «Наманган-Андижон» трассасида жойлашган, 44-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (44-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси – 20 000 АҚШ доллари.**

**Шунингдек, 2002 йил 12, 26 декабрь кунлари соат 12.00 да ўтказиладиган танлов савдоларига қуйидаги объект қўйилади:**

Қашқадарё вилояти, Китоб туманида жойлашган, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вилоят бошқармасига қарашли «Мингчинор» асаб касалликларини қайта даволаш шифохонаси.

**Бошланғич баҳоси – 30 860 000 сўм.**

***Танлов савдосидан объектни сотиб олишнинг шартлари:***

1. Шифохона фаолиятини 3 йилгача ўзгартирмаслик;
2. Қўшимча тиббий хизмати турларини ташкил этиш;
3. Шифохонани замонавий тиббиёт аппаратуралари билан таъминлаш;
4. Санитария ва гигиена талабларига қатъий амал қилиш;
5. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига имтиёзли хизмат кўрсатиш;
6. Объектнинг баҳоси бўйича таклиф бериш.

Тақдим этилган муҳрланган конвертлардаги бизнес-режалар 2002 йил 12 декабрда (шу куни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда) 26 декабрда республика Биржалар маркази биносининг 3-қаватидаги мажлислар залида очилади.

***Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг!***

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдолари бўйича савдо бошланишидан 1 соат олдин, танлов савдолари бўйича 3 кун олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.**
**Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17.**
**www.uzrkmb.com**

**«Ўзкоммунмаштаъминот» ОАЖ кузатув кенгаши 2002 йил 12 декабрь соат 14.00 да акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлишини маълум қилади**

**Кун тартиби:**

1. «Ўзкоммунмаштаъминот» ОАЖнинг коммунал соҳа ташкилотлари уюшмаси таркибига кириши ҳақида.
2. «Ўзкоммунмаштаъминот» ОАЖ иштирокида корхоналар тузиш ҳақида.
3. Ҳар хил масалалар.

Умумий йиғилиш ўтадиган манзил: Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли кўчаси 1-уй. Телефон 132-20-56.

Йиғилишга қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2002 йил 1 декабрь билан ёпилади.

**ОАЖ кузатув кенгаши**

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТАМОЖЕННЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕР

На приобретение оборудования сплит систем кондиционирования воздуха с подогревом воздуха на переходный период.

К рассмотрению будут приниматься предложения, поступившие до 5 декабря.

Датой поступления коммерческого предложения на тендер считается дата регистрации в ГТК РУз.

**Справки по телефонам: 120-76-60; коммутатор: 120-76-00 доб: 26-09, 26-11.**

**Адрес: г.Ташкент, Узбекистанский проспект 3.**

(Газетанинг навбатдаги сони 26 ноябрь, сешанба куни чиқади).